# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • http://xs.uz • E-mail: Info@xs.uz • 2014 йил 30 январь, № 21 (5951) Пайшанба


# ЯНГИЛАНИШ, ТАРАҚҚИЁТ, ИСТИҚБОЛ





ИСЛОҲОТ

*Ўзбекистон иқтисодиётида кузатилаётган ривожланиш суръатлари ҳақли равишда кўпчиликнинг ҳавасу ҳайратига сабаб бўлмоқда. Зеро, тарихан жуда қисқа давр ичида барча соҳаларда мислсиз ўзгаришлар рўй бериб, мустақил давлатимизнинг ютуқлари йил сайин тобора мустаҳкамланиб, кўзга янада ёрқинроқ ташланмоқда. Бунинг замирида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ қилинган барқарор тараққиёт йўли — "Ўзбек модели" мужассам, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.*

Истиқлолга эришганимиздан сўнг ҳар қандай мустақил давлат енгиб ўтиши зарур бўлган сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий хавф-хатарлар кўндаланг турар эди. Бундай мураккаб вазиятдан фақатгина энг мақбул, халқимиз манфаатларига, унинг ҳаётий эҳтиёжларига жавоб берадиган, мамлакатимизнинг ҳар томонлама изчил ва босқичма-босқич юксалишига мустаҳкам асос бўладиган ривожланишнинг бош стратегиясини яратиш талаб қилинарди. Айтиш жоизки, Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистоннинг ўзига хос ва мос йўли — "Ўзбек модели" ишончли самаралари ҳамда муваффақиятлари билан мамлакатимизнинг саноатлашган, муттасил модернизациялашаётган, рақобатбардош, нуфузли давлатга айланишини таъминлади.



Зотан, ўтган асрнинг 90-йилларида ёш давлатларда эски маъмурий-буйруқбозлик тизимидан янги — бозор иқтисодиёти тизимига ўтиш жараёни бошланган эди. Бунда "шок терапияси"га ўхшаш турли йўллар ва усуллар қўлланилдики, оқибатда айрим мамлакатлар аҳолиси ўта оғир аҳволга тушиб қолди. Ана шундай мураккаб ва қалтис бир пайтда мамлакатимизда шошмашошарликка йўл қўйилмади, донишмандлик билан иш тутилди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан муқобили бўлмаган оқилона тадрижий тараққиёт йўли танлаб олинди. Беш тамойил — иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги, давлат — бош ислоҳотчи, қонун устуворлиги, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишга асосланган "Ўзбек модели"нинг афзаллигини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди.

Узоққа бормайлик, 2013 йил якунланиши арафасида кўпгина мамлакатлардаги сарҳисоблар жиддий ташвиш туғдирди. Қатор йирик, қудратли давлатлар иқтисодий ўсиш у ёқда турсин, ялпи миллий маҳсулот ҳажми 2012 йилдагидан камайиб кетганлигини, бюджет камомадлари мисли кўрилмаган даражага етганлигини тан олишга мажбур бўлди. Бу эндиликда глобал инқирознинг оқибатлари, деб изоҳланмоқда.

Ўзбекистон учун эса 2013 йил ҳам, Президентимиз таъбири билан айтганда, Ватанимиз тараққиётига, иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишига, эл-юртимиз ҳаёт даражасининг юксалишига салмоқли ҳисса қўшган, хосиятли ва баракали йил бўлди. Айниқса, 2008 — 2013 йилларда республикамизда ялпи ички маҳсулотнинг ўртача ўсиши 8 фоиздан юқори, яъни жаҳоннинг камдан-кам давлатларида кузатилган даражада бўлгани, юртимиз аҳолиси мустақиллик йилларида қарийб учдан бир баробар кўпайиб, бугунги кунда 30 миллион 500 мингга яқин кишини ташкил этаётгани ҳолда, аҳоли жон бошига нисбатан иқтисодий ўсиш 3 маротабадан кўпроқ ошгани, ҳақиқатан ҳам, алоҳида эътибор ва эътирофга лойиқдир.

(Давоми 2-бетда).



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

**29 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.**

Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартиби тасдиқланганидан кейин депутатлар "Тадбиркорлик субъектларини суд орқали ҳимоя қилиш янада мустаҳкамланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Қонун лойиҳаси тадбиркорларга катта эркинлик бериш, уларнинг қонуний ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун суд тизимини янада ривожлантиришга қаратилган. Хўжалик юритувчи субъектлар ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш ва уларга қўшимча кафолатлар яратиб бериш мақсадида қонун лойиҳасида текширилаётган хўжалик юритувчи субъект томонидан судга шикоят беришда ҳаракатлар ёки қарорлар ижросини тўхтатиб туриш назарда тутилмоқда. Умуман олганда, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш йўлидаги навбатдаги қадам бўлади.

"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси амалдаги қонун ҳужжатларини янги таҳрирдаги "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштириш мақсадида ишлаб чиқилганлиги қайд этилди.

Хусусан, "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонуннинг 22-моддасига биноан, ҳуқуқий экспертиза чоғида норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, уларга нисбатан юқорироқ юридик кучга эга бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, қонунчилик техникаси қоидаларига мослиги, шунингдек, ҳавола қилувчи нормаларни қўллаш асослилиги ҳамда мақсадга мувофиқлиги текширилади.

(Давоми 2-бетда).

## «Ўзбекистон ривожланиш йўлида дадил қадамлар ташламоқда»

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси хорижий мамлакатлар ижтимоий-сиёсий, эксперт-таҳлилий, илмий-академик ва ишбилармон доиралари вакиллари ўртасида ҳам ўзининг акс садосини бермоқда.*

ЭЪТИРОФ

Жумладан, **"Ҳиндистон — МДҲ" савдо-саноат палатаси ҳамраиси, доктор Б. Мадхукар** дунёнинг қатор мамлакатлари глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий таъсири оқибатларидан ҳамон қутула олмаётган бир пайтда Ўзбекистонда бир неча йиллардан буён ялпи ички маҳсулот ўсиши ҳажми барқарор равишда 8 фоиздан зиёд кўрсаткични ташкил этиб келаётгани хусусида тўхталди. Унинг таъкидлашича, жуда катта эътиборга сазовор бўлган бундай ўсиш мамлакатда иқтисодий ислоҳотлар нақадар изчил ва жадаллик билан амалга оширилаётганидан далолат беради.

— Ўзбекистонда эришилаётган иқтисодий муваффақиятлар Президент Ислом Каримов томонидан олиб борилаётган оқилона ва узоқни кўзлаган сиёсатнинг меваси эканини алоҳида таъкидлашни истардим, — деди Б. Мадхукар "Жаҳон" ахборот агентлиги мухбири билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида. — Мамлакатингизда мустақиллик йилларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда икки жиҳат ҳамиша менинг эътиборимни ўзига тортиб келган: бири — давлат томонидан олиб борилган фаол ижтимоий сиёсат бўлса, иккинчиси, саноатни ривожлантириш борасидаги изчил саъй-ҳаракатлардир.

Бундан атиги 20 йил аввал аграр мамлакат ҳисобланган Ўзбекистонда бугунги кунга келиб нафақат машинасозлик ва металлни қайта ишлаш, қурилиш материаллари саноати, енгил ва озиқ-овқат саноати ривожланмоқда, балки телекоммуникация ускуналари, компьютер техникаси, уяли телефонлар, турли маиший электроника маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган янги, замонавий корхоналар ташкил этилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

АНЖУМАН

*Пойтахтимиздаги Алоқа тарихи музейида Ўзбекистон алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси томонидан "Ягона интерактив давлат хизматлари портали фаолияти: эришилган натижалар ва истиқболдаги режалар" мавзуида анжуман ташкил этилди.*

## Қулайлик ва тежамкорлик

### Ягона интерактив давлат хизматлари портали фаолиятининг муҳим мезонидир

Тегишли ташкилот ҳамда идоралар, "UZINFOCOM" маркази мутахассислари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашган мазкур тадбирда сўзга чиққанлар бугунги кунда республикамизда "Электрон ҳукумат" тизимини шакллантириш, жумладан, бизнес соҳаси ва фуқароларга интерактив давлат хизматлари кўрсатиш жараёнини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлашди. Хусусан, ўтган йилнинг 1 июль куни интернет тармоғида www.my.gov.uz манзили бўйича Ягона интерактив давлат хизматлари порталининг ишга туширилиши бу борадаги ишларнинг мантиқий давоми бўлди. Портал давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 14 февралдаги қарори билан тасдиқланган "Обод турмуш йили" Давлат дастури ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 30 декабрда қабул қилинган "Интерактив давлат хизматлари кўрсатишни ҳисобга олган ҳолда интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ташкил қилинди.

(Давоми 2-бетда).

## Баркамол авлод камоли — устувор мақсад

*Юртимизда болалар спортини ривожлантириш орқали баркамол авлодни тарбиялаш ва оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Буни истиқлол йилларида нафақат шаҳарларда, балки олис қишлоқларда замонавий спорт мактаблари ва мажмуалари барпо этилгани ҳамда уларда илк тарбияни олган ёшларимизнинг нуфузли халқаро мусобақаларда муваффақият қозонаётганлари мисолида яққол кўриш мумкин.*

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Ўтган йилда ҳам бу йўналишдаги ишлар изчиллик билан давом эттирилди. Давлатимиз раҳбарининг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, биргина 2013 йили 112 та болалар спорти объекти ва 4 та сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилиб, улар зарур ускуна ва инвентарлар билан жиҳозланди. Муҳими, бу саъй-ҳаракатлар боис спорт билан мунтазам шуғулланаётган болаларимиз сони ошиб бормоқда.

Айтиш жоизки, болалар спортини ривожлантириш ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш, истеъдодли ёшларни аниқлаш, қисқача айтганда, катта спорт учун муносиб ўринбосарлар тарбиялашда "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг ҳам ўзига хос ҳиссаси бор. Фонд томонидан "Обод турмуш йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида амалга оширилган ишлар бунинг яққол тасдиғидир, десак, янглишмаймиз. Хусусан, ўтган йили маҳаллаларда 372 та болалар майдончаси барпо этилди, 902 таси таъмирланди, 1 минг 203 тасида ободонлаштириш ишлари бажарилди. Бунинг учун фонд томонидан 152 миллион сўм, ҳомийлар ҳисобидан эса 4 миллиард 104 миллион сўм миқдорида маблағ сарфланди.

Шуларга мос ҳолда, анъанавий турнирлар ҳамда спорт мусобақалари ташкил этилди. Жумладан, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Халқ таълими, Ички ишлар, Маданият ва спорт ишлари ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирликлари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Футбол федерацияси, Касаба уюшмалари Федерацияси Марказий Кенгаши ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигидаги анъанавий "Футболимиз келажаги" республика турнири юқори савияда ўтказилди. Унда қатнашган маҳаллалар ва болалар сони янада ошгани, айниқса, эътиборлидир. Биргина мисол: 2008 йилда турнир қуйи босқичлари 8159 та маҳаллада ўтказилган бўлса, ўтган йили 8539 та фуқаролар йиғинида уюштирилди ҳамда уларда бир миллион 23 минг нафардан ортиқ болалар қамраб олинди. Муҳими, мусобақалар давомида кўплаб истеъдодли ёшлар кашф қилинмоқда.

(Давоми 3-бетда).

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилаётганда ушбу ҳужжатлар уларда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизимида коррупция, бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилиши учун шароит яратадиган, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари учун асоссиз харажатлар қилишга олиб келувчи ортиқча маъмурий ҳамда бошқа чекловларни жорий этадиган қоидалар ва нормаларни аниқлаш мақсадида таҳлил этилади. Шу муносабат билан лойиҳага кўра, “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилмоқда.

“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуннинг 23-моддасига мувофиқ ишлаб чиқувчи қонун лойиҳасини киритишда халқаро ҳужжатлар ва чет мамлакатлар қонун ҳужжатларининг, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг тегишли қоидаларини, Ўзбекистон Республикаси шароитида тегишли халқаро тажрибани қўллаш мақбуллиги тўғрисидаги асосли таклифларни кетма-кетлик тартибида кўрсатган ҳолда таҳлилий қиёсий жадвалларни тайёрлаши шарт. Халқаро ҳужжатлар ва чет мамлакатлар қонун ҳужжатларининг принциплари, қоидалари ва таърифларининг тайёрланган кўргазмали таҳлили мавжуд қиёсий жадвалсиз киритилган қонун лойиҳаси кўриб чиқилмайди. Шундан келиб чиққан ҳолда, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги ва “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги қонунларга тегишли қўшимчалар киритилмоқда.

Депутатларнинг фикрича, мазкур қонун лойиҳасининг бу ва бошқа нормалари қонун ижодкорлиги жараёнини янада такомиллаштиришга, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва уларнинг сифатини оширишнинг самаралироқ механизмларини яратишга хизмат қилади.

Қонунчилик палатасининг мажлисида кун тартибидаги бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати.**

# «Ўзбекистон ривожланиш йўлида дадил қадамлар ташламоқда»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Албатта, буларнинг барчаси ўз меваларини бермоқда. Шу боис бугун мамлакат ялпи ички маҳсулоти таркибида саноатнинг улуши 24 фоиздан зиёдни ташкил этаётир. Мухтасар айтганда, Ўзбекистон ўзининг ёрқин келажаги сари дадил қадамларни ташламоқда.

— Ўзбекистон Президентининг маърузаси билан танишган киши юртингизда кечаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар аҳоли фаровонлигини таъминлашга йўналтирилганини яққол кўради, — деди **Калькуттадаги Мавлоно Алам Озод номидаги Осиёни тадқиқ қилиш институтининг илмий ходими Анита Сенгупта**. — Унда банк тизими, саноат, қишлоқ хўжалиги, инвестиция, хизмат кўрсатиш, бандлик масаласи ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ўтган йилда эришилган натижалар чуқур таҳлил қилингани баробарида, янги йилдаги устувор вазифалар ҳам белгиланган. Шу жиҳатдан мазкур маърузани муҳим дастурий ҳужжат, деб аташ лозим, деб ўйлайман.

Мамлакат иқтисодиётида кичик бизнеснинг ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётгани юртингизда бундай фаолият билан шуғулланиш учун етарли имкониятлар яратилганини англатади. Президент Ислом Каримов маърузасида айтилганидек, бугунги кунга келиб ишлаб чиқарилаётган жами саноат маҳсулотларининг 23 фоизи, кўрсатилаётган бозор хизматларининг қарийб барчаси, маҳсулот экспортининг 18 фоизи, иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд бўлган аҳолининг 75 фоизи кичик бизнес улушига тўғри келаётгани диққатга молик далиллардир.

**«Жаҳон» АА.**
Деҳли

# Қулайлик ва тежамкорлик

## Ягона интерактив давлат хизматлари портали фаолиятининг муҳим мезонидир

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Ўтган қисқа давр мобайнида my.gov.uz фаолияти такомиллашиб, аҳоли учун зарур интерактив хизматлар, керакли маълумотлар жорий қилинди, — дейди қўмитанинг ахборот-коммуникация технологиялари бошқармаси бошлиғи Олимжон Умаров. — Айни вақтда порталга 300 та давлат ва хўжалик бошқаруви органи, жойлардаги вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари уланган.

Анжуманда қайд этилганидек, ҳозир Ягона портал орқали 6 мингдан зиёд фуқаролар мурожаатлари (шикоят, таклиф ва мурожаат) давлат органларига юборилган бўлиб, улардан 4700 (76 фоизи) тасига ваколатли давлат идоралари томонидан муносабат билдирилган. Аҳоли сўровларининг 1510 (24 фоизи) таси кўриб чиқилмоқда. Бундан ташқари, мазкур дастурдан фойдаланувчилар фуқаролар мурожаатларига нисбатан давлат идоралари муносабатларини 5 баллик шкалада баҳолаши, шунингдек, уларга изоҳ қолдириши мумкин. Ҳозиргача 25,9 фоиз жавоблар баҳоланган.

Тадбирда Ягона портал ишлаб чиқувчилари томонидан аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун жорий қилинган янги хизматлар хусусида ҳам тўхтаб ўтилди. Хусусан, онлайн режимида тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш учун аризани топшириш, биометрик паспорт олиш учун навбатга ёзилиш, мавжуд бўш ўринлари ҳақида ва бошқа тегишли маълумотларни олиш каби хизматлар айни дамда фойдаланувчилар томонидан ижобий баҳоланаётир.

Бинобарин, интернетдан фойдаланмайдиган аҳоли қатламига давлат органларига мурожаат йўллашларига кўмаклашувчи Маълумотлар маркази (Call-center) ҳам ишга туширилди. Пировардида шу кунгача Марказ томонидан 1000 дан зиёд аҳоли мурожаатлари қабул қилиниб, шундан 50 дан зиёди давлат идораларига йўлланди.

Тадбирда Ягона порталда истиқболда амалга ошириладиган лойиҳа ва режалар ҳақида атрофлича маълумот берилди.

**О. ЛУТФУЛЛАЕВ.**

# ЯНГИЛАНИШ, ТАРАҚҚИЁТ, ИСТИҚБОЛ



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

### Саноати ривожланган замонавий давлат

Давлатимиз раҳбари мамлакатни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида мана бу рақамлар залворлиги билан бирга, муҳим сифат хусусиятларига эгалигига диққатни қаратди: якунланган йилда мамлакатда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 2000 йилдагига нисбатан 2,3 баробар кўпайди. Моҳир, фидойи деҳқонларимиз мисли кўрилмаган натижаларга эришиб, 3 миллион 360 минг тоннадан ортиқ пахта хом ашёси, 7 миллион 800 минг тонна ғалла, 8 миллион 400 минг тонна сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирдилар. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ялпи ички маҳсулот ҳажмидаги улуши 2000 йилдаги 30,1 фоиздан 2013 йилда 16,8 фоизга тушди.

Кўриниб турибдики, миллий иқтисодиётимиз таркибида туб ўзгаришлар содир бўлмоқда. Бошқача айтганда, қайд этиб ўтганимиздек, бу Ўзбекистон истиқлол йилларида аввалги аграр республикадан босқичма-босқич равишда саноати ривожланган замонавий давлатга айланиб бораётганининг яққол тасдиғидир.

Мамлакатимизда пухта ўйланган, изчил ва тизимли амалга оширилаётган ислоҳотлар: саноатни устувор даражада ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, хусусий мулкка кенг йўл очиб бериш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган фермерликни ривожлантириш ўз натижаларини бермоқда. Миллий иқтисодиёт учун мутлақо янги ҳисобланган автомобилсозлик, моторсозлик ва уларга бутловчи қисмлар тайёрлайдиган соҳаларга, нефть ва газни қайта ишлайдиган, фармацевтика маҳсулотлари, замонавий телевизор ва компьютерлар ишлаб чиқарадиган янги-янги саноат тармоқларига асос солинди. Шунингдек, озиқ-овқат, енгил саноат, кимё, қурилиш материаллари саноати ва бошқа тармоқлар тўлиқ модернизация қилиниб, уларда дунё бозорида рақобатдош бўлган товарлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

### Инвестициянинг жозибадор кучи

Мамлакатда қулай инвестициявий муҳит яратилгани шарофати туфайли мустақиллик йилларида 162 миллиард АҚШ долларидан ортиқ капитал маблағ ўзлаштирилди, унинг 56 миллиард доллардан кўпроғи хорижий инвестициялар ҳиссасига тўғри келди. Инвестициявий муҳитни янада яхшилаш, иқтисодиёт тармоқлари жозибадорлигини ошириш борасидаги ислоҳотлар 2013 йилда ҳам изчил давом эттирилгани натижасида йил якунига қадар миллий иқтисодиётимизга 13 миллиард доллар миқдорида сармоя киритилди. Ўзлаштирилган капитал қўйилмалар умумий ҳажмининг деярли ярмини, хусусий инвестициялар — корхоналар ва аҳолининг шахсий маблағлари ташкил этгани диққатга сазовордир.

Шу ўринда айтиш жоизки, чет эл инвестицияларини жалб этишда Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг роли тобора ортмоқда. Ҳозирги кунда ушбу жамғарма 29 миллиард доллардан зиёд 86 та стратегик аҳамиятга молик инвестиция лойиҳасини ҳамкорликда молиялаштиришда иштирок этаётгани бунга мисол бўла олади.

Саноатда рақобатдош маҳсулотлар тайёрлаётган қайта ишлаш тармоқларининг ўрни ҳам яққол сезилмоқда. Телекоммуникация ускуналари, компьютер техникаси ва мобиль телефонлари, кенг турдаги маиший электроника маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган янги замонавий корхоналар ташкил этилаяпти. Бугунги кунда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг 78 фоиздан зиёди, умумий экспорт ҳажмининг тўртдан уч қисми айнан ана шу тармоқлар ҳиссасига тўғри келаётганлиги шундан далолат беради. Жаҳон бозори конъюнктурасининг беқарорлигига қарамай, экспорт ҳажмининг 10,9 фоиз ўсиши таъминлангани ва ташқи савдо айланмасининг 1,3 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги ижобий сальдосига эришилганини алоҳида қайд этиш лозим.

### Кичик бизнес — фаровонлик асоси

Миллий иқтисодиётимизнинг таркибида бўлаётган ижобий ўзгаришларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мавқеи тобора мустаҳкамланиб бораётгани ҳам қувонарли ҳолдир. Ўтган йилнинг ўзида 26 мингдан зиёд кичик бизнес субъекти иш бошлагани туфайли ушбу секторда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг умумий сони 190 мингтага етди. Натижада ҳозирги кунда мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажмининг 55,8 фоизи айни шу соҳада ишлаб чиқарилиб, иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд бўлган аҳолининг 75 фоизи қамраб олинди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар миллий иқтисодиётнинг юқори суръатларда барқарор ўсишини таъминламоқда. Бу эса, ўз навбатида, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини тубдан ўзгартириш имкониятини яратаяпти. Юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларининг кўлами, барпо этилаётган юзлаб, минглаб километрлик темир йўллар ва автомобиль йўллари, мактаблар, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртлари, соғлиқни сақлаш муассасалари, маданий ва маиший муассасалар бунинг амалий исботидир. Бинобарин, ўтган йили 28 та янги касб-ҳунар коллежи қурилди, 381 умумтаълим мактаби, олий ўқув юртлари тизимидаги 45 та объект, 131 касб-ҳунар коллежи ва лицейлар реконструкция қилиниб, капитал таъмирланди. 55 та болалар мусиқа ва санъат мактаби, 112 та болалар спорти объекти ва 4 та сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилди.

Бундан ташқари, бевосита Президентимиз ташаббуси билан кейинги беш йилда 159 та қишлоқ туманида намунавий лойиҳалар асосида 900 дан ортиқ янги уй-жой массивлари, шу жумладан, умумий майдони 4,5 миллион квадрат метрлик 33,5 мингдан зиёд якка тартибдаги уй-жой бунёд этилди. 2014 йилда эса яна 388 та массивда умумий майдони 1,5 миллион квадрат метр бўлган 11 мингта намунавий тураржойни қуриш кўзда тутилмоқда.

Иш ҳақи, пенсия, ижтимоий нафақа ва стипендиялар миқдори муттасил ва изчил ошириб борилмоқда. Оилалар даромадларининг таркиби ўзгариб, биргина тадбиркорликдан олинаётган даромадлар аҳоли ялпи даромадларининг ярмидан зиёдини ташкил этмоқда. Бу Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидаги кўрсаткичлардан 2-2,5 баравар ортиқдир.

Аҳолининг истеъмол харажатлари 2000 йилдагига нисбатан 9,5 баробар ошганининг ўзи кўп нарсани англатади. Айниқса, аҳолининг ўзимизда ишлаб чиқарилган енгил автомобиллар билан таъминланиш даражаси кескин ўсаётганини айтмайсизми?! Бугунги кунда ҳар 100 та оилага ўртача 41,4 та енгил автомобиль тўғри келмоқда. Ҳар тўққизта оиладан биттаси эса иккитадан енгил автомобилга эгадир.

### Ютуқлар янада мустаҳкамланади

Ўзбекистоннинг 2014 йилги иқтисодий дастурида ҳам миллий иқтисодиётнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича қабул қилинган стратегия изчил давом эттирилади. Саноатда юқори технологияли, замонавий корхоналар ва қувватларни ишга тушириш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ва модернизациялаш, инвестиция жараёнини такомиллаштириш, жаҳон бозорларига чиқишнинг асосий омили ҳисобланган тўлақонли рақобат муҳитини шакллантириш белгиланган. Шу билан бирга, “Бизнес билан шуғуллан” тамойили асосида ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва янада рағбатлантиришга катта эътибор берилади.

Жорий йилда хитойлик ҳамкорлар билан биргаликда транспорт коммуникацияси соҳасида улкан стратегик аҳамиятга эга, мамлакатимизнинг марказий қисмини Фарғона водийси вилоятлари билан ишончли боғлаш, республика ҳудудида ягона темир йўл транспорт тизимини шакллантириш имконини берадиган, Европа қитъасини Осиё билан боғлайдиган трансмиллий транспорт йўлагининг муҳим бўғини бўлиб хизмат қиладиган йирик лойиҳа — “Ангрен — Поп” йўналишида электрлаштирилган янги темир йўлни ва 19 километрлик темир йўл туннелини қуриш ишлари қизғин тус олади.

Шунингдек, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида ўхшаши бўлмаган, халқаро стандартлар бўйича энг юқори — тўртинчи даражали ҳисобланадиган, 250 та даволаш ўрни ва бир кеча-кундузда 200 нафар болани қабул қила оладиган поликлиникага эга кўп тармоқли махсус болалар шифохонасини Корея Республикаси ҳукуматининг 103 миллион АҚШ доллари миқдоридаги инвестицияси ҳисобидан барпо этишга киришилади.

Бинобарин, белгиланган ана шу юксак марралар чуқур асосланганлиги халқаро ҳамжамият томонидан алоҳида эътироф этилмоқда. Чунончи, энг нуфузли халқаро ташкилотлар — Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича департаменти, БМТнинг Савдо ва ривожланиш бўйича комиссияси (ЮНКТАД) ҳамда унинг бешта минтақавий комиссияси иштирокида тайёрланган “Жаҳондаги иқтисодий аҳвол ва 2014 йилги истиқболлар” маърузасида Ўзбекистон иқтисодий ўсиш суръатлари бўйича 2014 ва 2015 йилларда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ўртасида етакчилик қилиши кўрсатилган.

Таъкидлаш керакки, “Соғлом миллат — соғлом жамият” тамойилини ҳар томонлама ҳаётимизнинг муҳим моҳиятига айлантириш ҳамда бу борада кўлами ниҳоятда катта эзгу чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган жорий — Соғлом бола йили, шак-шубҳасиз, келажаги буюк давлат барпо этишдек пировард мақсадимизга янада яқинлашишимизга хизмат қилади.

Умуман олганда, тарихий жараёнларда бугунги фаровон ҳаётимизни бунёд этган, халқимиз орзу-умидларини рўёбга чиқараётган, ҳам иқтисодий, ҳам фалсафий жиҳатдан жаҳонда муқобили йўқ “Ўзбек модели” бундан кейин ҳам олдимизга қўйилган устувор вазифаларнинг ижроси, иқтисодиёт тармоқлари ривожланишининг жадал ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда мустаҳкам замин бўлиши муқаррардир.

**Қаландар АБДУРАҲМОНОВ, иқтисод фанлари доктори, профессор.**



Шомурот ШАРАПОВ ва Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

# хабарлар

Янгиликлар, воқеалар,

*■ Якунланган йилда Данғара туманидаги экспортчи корхоналар сони яна 10 тага ортди. “Имкон” — ана шундай илғор ишлаб чиқариш субъектларидан бири.*

## «Имкон»нинг янги имкониятлари

Бу ерда ўтган йили 100 турдаги, умумий қиймати 4 миллиард сўмлик полиэтилен маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, шундан 541 минг АҚШ долларилик қисми хорижлик буюртмачиларга етказиб берилди.

Корхона жамоаси жорий йилда бундан ҳам юксак марраларни кўзламоқда. Яъни йил якунигача бу ерда ишлаб чиқариш ҳажмини 6 миллиард сўмга етказиш режалаштирилган. Шунингдек, ташқи бозорга 600 минг долларлик маҳсулот чиқариш мўлжалланмоқда.

**Набижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

*■ Яқинда “Қизилқум ҳалқа автомобиль йўли”нинг Нурота шаҳрига кираверишдаги 49-56-километрлари тўла таъмирдан чиқарилди. Ушбу мақсад рўёби учун 3 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.*

## Йўл ўтган жой обод бўлади

2013 йили бошланиб, бу йил фойдаланишга топширилган ҳалқа йўлини таъмирлаш ишларида Нурота тумани йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси ишчиларининг хизмати катта бўлди.

Йўлсозлар жорий йилда ҳам “Қизилқум ҳалқа автомобиль йўли”нинг Қорақарға довонида кенг кўламдаги таъмирлаш ишларини олиб боришади.

**Азамат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

*■ Жондор туманидаги “Яккатут” масъулияти чекланган жамияти Бухоро шаҳрида иш бошлаган “Сарафроз текстиль” корхонасининг биринчи буюртмачиси бўлди. Янги корхона бу субъектга 45 миллион сўмлик синтетик қоплар тайёрлаб берди.*

## Корхонанинг дастлабки мижози

— Йилига 360 тонна шундай харидоргир маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятига эгамиз, — дейди бизнес лойиҳа ташаббускори Манзура Муҳсинова. — Буни алоҳида таъкидлашимнинг боиси бор. Иш бошлаган дастлабки кунларимизданоқ маҳсулотларимизга ички бозорда талаб катталигини ҳис этдик. Биз тайёрлаётган синтетик қоплар ўзининг ноодатий ранги ва нисбатан арзонлиги билан харидорларга маъқул тушмоқда. Шу боис жорий йилда фаолиятимизни янада кенгайтириш ниятидамиз.

Банк муассасасининг 300 миллион сўм миқдоридаги кредити ҳамда лойиҳа ташаббускорининг 177 миллион сўм маблағи эвазига ташкил этилган “Сарафроз текстиль”да асосий иш жараёни компьютерлар воситасида бошқарилади. Мабодо бирор носозлик юзага келса, “ақлли машиналар” ишчиларни бу ҳақда зудлик билан огоҳлантиради.

**Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# Баркамол авлод камоли — устувор мақсад

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Мамлакатимизда спорт, хусусан, миллионлар ўйини бўлган футбол мусобақаларининг кенг ривожланиши ҳамда оммалашиб боришида давлатимиз раҳбари томонидан шу соҳага қаратилаётган катта эътибор ва ғамхўрлик муҳим омил бўлмоқда, — дейди “Маҳалла” хайрия жамоат фонди республика бошқаруви бош мутахассиси А. Азизов. — Хусусан, Президентимизнинг 2011 йил 19 январдаги “2011 — 2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида жойларда замонавий футбол мактаблари ва майдонлари қурилиб, уларнинг барчасида зарур шарт-шароит яратилмоқда.

“Футболимиз келажаги” республика кубоги ҳақида гапирадиган бўлсак, ўтган йилда мусобақанинг 9-10, 11-12, 13-14 ёшдагилар ўртасидаги минтақавий республика босқичлари Нукус, Навоий, Тошкент шаҳарлари ҳамда Фарғона вилоятларида уюшқоқлик билан ўтказилди. Иштирокчиларнинг 327 минг нафари 9-10, 344 минги 11-12, 352 минг нафари эса 13-14 ёшли болалардир. Яна бир эътиборли жиҳати — замонавий стадионларда бўлиб ўтган туман ва шаҳар, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, вилоятлараро минтақавий босқичлардан ўрин олган учрашувларни олий лига ҳакамлари бошқарди. Шунинг ўзиёқ бу мусобақа ёшлар ҳаётида нечоғли муҳим аҳамият касб этаётганини кўрсатади.

Турнирнинг финал босқичи ўйинлари Тошкент шаҳридаги “Истиқлол” ва “ЖАР” стадионларида минглаб футбол ишқибозлари гувоҳлигида бўлиб ўтди. 9-10 ёшдагилар ўртасида биринчи ўринни Фарғона вилоятининг Риштон туманидаги “Чиннигарон” маҳалласи болалари қўлга киритди. Навоий шаҳридаги “Истиқлол”, Бекобод шаҳридаги “Янги ҳаёт”, Қорақалпоғистон Республикасининг Тўрткўл туманидаги “Туркистон” маҳаллалари ёш футболчилари кейинги ўринларни эгаллади. 11-12 ёшлилар ўртасида эса Тошкент шаҳрининг Яккасарой туманидаги “Қушбеги” маҳалла фуқаролар йиғини болаларига тенг келадигани топилмади. Кейинги ўринлар Андижон вилоятининг Шаҳрихон туманидаги “Бувайда”, Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманидаги “Қорабўйин”, Хоразм вилоятининг Хива туманидаги “Бинокор” маҳаллалари футбол жамоаларига насиб этди. 13-14 ёшдагилар ўртасидаги финал босқичи ҳам қизиқарли кечди. Якунда Фарғона вилоятининг Боғдод туманидаги “Ирғоли”, Бухоро шаҳридаги “Чорбахосса”, Навоий шаҳридаги “Баҳор”, Сирдарё вилоятининг Мирзаобод туманидаги “Мирзачўл” маҳалла фуқаролар йиғинлари жамоалари ғолиблар сафидан жой олди.




**Ўтган йили маҳаллаларда**

**372** *та болалар майдончаси барпо этилди, 902 таси таъмирланди, 1 минг 203 тасида ободонлаштириш ишлари бажарилди.*

— Икки йилдан буён маҳалла болалари билан “Футболимиз келажаги” республика кубоги мусобақаларида иштирок этиб келамиз, — дейди Риштон туманидаги “Чиннигарон” маҳалла фуқаролар йиғини футбол жамоаси аъзоси Р. Ҳайдаров. — Бунинг учун бизда барча шарт-шароит мавжуд. Аниқ айтадиган бўлсак, замонавий болалар майдончаси ихтиёримизда. Шу билан бирга, йиғин фаоллари саъй-ҳаракати билан машғулотларни тажрибали мураббий ёрдамида ана шундай спорт мажмуалари ва стадионларда ўтказдик. Натижада турнирда ғолиб бўлдик. Бу мусобақа орзуларимиз рўёбга ёрқин чиқаётганининг далолатидир.

Таъкидлаш керакки, боланинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол бўлиб улғайишида миллий спорт ўйинларимиз алоҳида ўрин тутади. Бугун янги спорт иншоотлари қад ростлаши баробарида, миллий спорт ўйинлари, хусусан, курашимизни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани барчага маълум. “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, тегишли вазирлик ва ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган кураш бўйича “Маҳалламиз паҳлавонлари” республика турнири мусобақаларига ёшу кекса — барча бирдек қизиқиш билдираётгани ҳамда уни юқори савияда ўтказиш йўлида жонбозлик кўрсатаётганликлари ана шу эътиборнинг амалий ифодасидир.

Ўтган йили бу мусобақанинг қуйи босқичлари 8299 та маҳаллада ташкил этилди. Олтита ёш тоифасида бўлиб ўтган мазкур беллашувларда 145 мингдан зиёд ёшлар, жумладан, 44 мингга яқин қизлар қамраб олинганлиги ҳам унинг ёшлар ҳаётида нечоғли аҳамиятга эга эканини кўрсатиб турибди.

Мусобақанинг якуний босқичи 11-13 декабрь кунлари Навоий шаҳрида 84 нафар ҳудудий босқичлар ғолиблари иштирокида ўтказилди. Умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни Жиззах вилояти жамоаси эгаллади. Кейинги ўринларга Андижон, Навоий ва Фарғона вилоятлари жамоалари лойиқ, деб топилди.

— Аждодларимиздан мерос бўлиб келаётган миллий кураш истиқлол туфайли қаддини тиклади ва дунёга чиқди, — дейди жиззахлик ёш полвон Ж. Баҳромов. — Бу борада жойларда миллий кураш учун яратилаётган шарт-шароитлар асосий омил бўлаётир. Жумладан, мен истиқомат қилаётган Пахтакор туманидаги “Пахтакор” маҳалла фуқаролар йиғинида спортнинг ушбу тури билан шуғулланиш учун барча имкониятлар мавжуд. Биз бундан унумли фойдаланиб, турли мусобақаларда ғолиб бўлиб қайтаяпмиз. Полвон бўлиб камолга етишимизда “Маҳалламиз паҳлавонлари” республика турнири катта таъсир кўрсатаяпти, десам, айни ҳақиқат. Бугунги кунда бу мусобақа полвонларни етиштириб берадиган ўзига хос мактаб бўлиб шаклланди.

“Маҳалла” хайрия жамоат фонди республика бошқаруви ташаббуси билан анъанавий ўтказилаётган “Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи” мусобақаси ҳам оилалар бирдамлигини таъминлаш, уларда соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш ва ёшларни спортга йўналтиришда муҳим ўрин тутмоқда. Ўтган йили замонавий спорт объектлари, стадион ва мажмуаларда юқори савияда ташкил этилаётган мазкур мусобақанинг маҳаллалараро босқичида 7409 та фуқаролар йиғини ҳудудидаги оилалар қатнашгани унинг нуфузини, оммавийлигини тасдиқлаб турибди.

— Халқимизда “Қуш уясида кўрганини қилади”, деган мақол бор. Яъни ота ёки она спорт билан шуғулланса, албатта, болада ҳам шунга рағбат уйғонади, — дейди пойтахтимизнинг “Қушбеги” маҳалласида истиқомат қилувчи Ш. Иноятова. — Биз “Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи” мусобақасида қатнашишдан олдин ҳам спорт билан шуғулланардик, аммо бу мунтазам эмас эди. Мазкур беллашув туфайли спорт ҳаётимиздан чуқур жой олди, турмушимиз тарзига айланди. Айниқса, болаларимизнинг қизиқиши ҳар қачонгидан-да ошди. Маҳалламизда спорт билан шуғулланаётган қизлар сони кундан-кунга кўпаяётгани ҳам қувончли ҳолдир. Ҳозир қизларимиз вақт бўлди, дегунча спорт тўгарагига қараб чопишаяпти. Буни кўриб, суюнамиз, “Болаларимиз чемпион бўлсин”, деб кўнглимизда ният қиламиз. Буларнинг барчаси учун ушбу мусобақа ташкилотчиларидан миннатдормиз.

— Соғлом авлод тарбияси — барчамизнинг муқаддас бурчимиз. Зеро, ҳар қандай давлатнинг, миллатнинг, ҳар бир инсоннинг энг улуғ орзуси — соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашдир, — дейди “Маҳалла” фондининг Навоий вилояти бошқаруви раиси Н. Исоқов. — Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида соғлом бола тарбиясида маҳалла ва ижтимоий тузилмаларнинг катта ўрни ва таъсири борлиги алоҳида эътироф этилди. Албатта, ушбу юксак ишонч ҳамда белгилаб берилган устувор вазифалар тизим фаолларига катта масъулият юклайди. Шундан келиб чиқиб, жорий йилда ҳам “Оила — маҳалла — таълим муассасаси” ҳамкорлиги доирасида кенг қамровли чора-тадбирларни амалга ошириш ниятидамиз.

Умуман, маҳалланинг ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш, хусусан, болалар спортини ривожлантиришдаги аҳамияти ниҳоятда катта. Шубҳасиз, бу борадаги ишлар Соғлом бола йилида янада юксак босқичга кўтарилади. Зеро, ҳар жиҳатдан баркамол, соғлом авлодгина улуғ ишларни амалга оширишга қодир.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Ёшлар ижодида Ватан тараннуми

*Ўзбекистон Бадиий академияси Тошкент Фотосуратлар уйида “Ягона муҳит” деб номланган фотокўргазма очилди.*

## КЎРГАЗМА

Соғлом бола йили муносабати билан уюштирилган ушбу кўргазмада тинч ва осуда ҳаётимиз, юртимизнинг бетакрор табиати манзаралари акс этган. Суратлар Тошкент Фотосуратлар уйи ҳузурида фаолият юритаётган ёшлар фотоклуби аъзоларининг ижод маҳсулидир.

Кўргазмада П. Қурбонов, Х. Шораҳмедов, О. Федина, К. Молодцов сингари ёш ижодкорларнинг замондошларимиз ҳаёти, халқимизнинг улкан бунёдкорликлари ифодаланган ижодий ишлари ўрин олган.

**Моҳира АДИЗОВА.**

# Таннарх янада арзонлашади

*“Бекободцемент” очиқ акциядорлик жамиятида амалга оширилаётган лойиҳалар ана шу мақсадга қаратилган. Хусусан, ўтган йили бу ерда юқори технология асосида қуруқ усулда клинкер ишлаб чиқаришга киришилган эди.*

## ИНТИЛИШ

Яқинда эса корхонанинг бир гуруҳ мутахассислари олиб борган изланишлар туфайли цементнинг яна бир янги тури яратилди.

Хусусан, мазкур қурилиш маҳсулоти тўлиқ маҳаллий хом ашёдан тайёрланиб, унинг зичлиги янада ортди. Таркибида гипс тоши, базальт ва пўлат эритмаси мавжудлиги маҳсулот сифати ҳамда пишиқлигини таъминлайди. Муҳими, бундай хом ашё нисбатан арзон ва мўллиги боис цемент нархининг арзонлашувига ижобий таъсир кўрсатади, дейишмоқда корхона мутахассислари.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

● Реклама ва эълонлар ●

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
Сурхондарё вилояти филиали
бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Шўрчи тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2012 йил 30 декабрдаги 19-1207/20689-сонли ва 2013 йил 3 майдаги 19-1303/3657-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Шўрчи тумани, Элбаён қўрғонида жойлашган, «Мирза-Эсон» хусусий савдо-ишлаб чиқариш корхонасига тегишли қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

**1.** Қурилиш ости майдони 500,96 кв.м. бўлган, 35 хонадан иборат, 2 қаватли, 1974 йилда қурилган, таъмирталаб маъмурий бино.
***Бошланғич баҳоси — 76 485 733,34 сўм.***
**2.** Қурилиш ости майдони 151,2 кв.м. бўлган, 9 хонадан иборат, 1 қаватли, 1974 йилда қурилган, таъмирталаб савдо дўкони.
***Бошланғич баҳоси — 16 247 714,72 сўм.***
**3.** Қурилиш ости майдони 42,24 кв.м. бўлган, 1 хонадан иборат, 1 қаватли, 1974 йилда қурилган, таъмирталаб токарь хонаси.
***Бошланғич баҳоси — 1 494 160,05 сўм.***
**4.** Қурилиш ости майдони 1099,28 кв.м. бўлган, 1 хонадан иборат, 1 қаватли, 1974 йилда қурилган, таъмирталаб омборхона биноси.
***Бошланғич баҳоси — 68 449 450,07 сўм.***
**5.** Қурилиш ости майдони 540,0 кв.м. бўлган, 1 хонадан иборат, 1 қаватли, 1974 йилда қурилган, таъмирталаб ғишт қуритиш биноси.
***Бошланғич баҳоси — 17 880 667,54 сўм.***
**6.** Қурилиш ости майдони 32,0 кв.м. бўлган, 1 хонадан иборат, 1 қаватли, 1974 йилда қурилган, таъмирталаб ғишт тахлаш биноси.
***Бошланғич баҳоси — 5 280 374,08 сўм.***
**7.** Қурилиш ости майдони 57,6 кв.м. бўлган, 2 хонадан иборат, 1 қаватли, 1974 йилда қурилган, таъмирталаб 1 ва 2-сонли трансформатор биноси.
***Бошланғич баҳоси — 4 712 655,55 сўм.***
**8.** Қурилиш ости майдони 14,70 кв.м. бўлган, 4 хонадан иборат, 1 қаватли, таъмирталаб ҳожатхона биноси.
***Бошланғич баҳоси — 673 066,45 сўм.***
**9.** Қурилиш ости майдони 146,0 кв.м. бўлган, 13 хонадан иборат, 1 қаватли, 1974 йилда қурилган, таъмирталаб ҳаммом биноси.
***Бошланғич баҳоси — 17 843 798,61 сўм.***

**II.** Аукцион савдосига Денов тумани СИБ томонидан ЖИБ Сурхондарё вилояти судининг 2010 йил 11 майдаги 2-126-10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Денов шаҳри, Самарқанд кўчаси, 85 ва 87-уйларда жойлашган, умумий ер майдони 1736,0 кв.м., 1 ва 2 қаватли, жами 50 хонадан иборат, 2006 йилда қурилиши бошланган туражой бино-иншоотлари такроран қўйилмоқда.
***Бошланғич баҳоси — 284 325 873 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 17 февраль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 14 февраль куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг ХОАББ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609027, МФО: 01063, СТИР: 207122519.

Буюртманомалар қабул қилинадиган ва савдо ўтказиладиган манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, «Тадбиркорлар маркази» биноси, 2-қават, 6-хона. Телефон: (8-376) 221-77-94.
www.1kms.uz rieltsavdo@inbox.uz
Лицензия: RR-0001.
181R/1453

4 кун • 200 та компания • 22 та мамлакат
ufi Approved Event
UzBuild
ҚУРИЛИШ
15 - Юбилей Ўзбекистон Халқаро кўргазмаси
25-28 Февраль
aqua THERM TASHKENT
ИСИТИШ ВА ҲАВО АЛМАШТИРИШ
3 - Халқаро кўргазмаси
«Ўзэкспомарказ», Тошкент, Ўзбекистон
2014
mebel expo UZBEKISTAN
МЕБЕЛЬ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
11 - Халқаро кўргазмаси
ТАШКИЛОТЧИ ITE
ITE Uzbekistan
100000, Ўзбекистон, Тошкент ш., Мустақиллик шоҳкўчаси, 59-«А».
Тел.: (+99871) 113-01-80. Факс: (+99871) 237-22-72.
E-mail: post@ite-uzbekistan.uz Web: www.ite-uzbekistan.uz
ufi Member
Guvohnoma № 3583
15 йил UzBuild билан бирга қурамиз!
164R/85

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ
очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

«Capital realtor group» МЧЖда 2014 йил 4 март куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

**1.** Учтепа тумани СИБ томонидан ФИБ Учтепа туманлараро судининг 2013 йил 6 майдаги 1-2775/2013-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Белтепа мавзеси, 16-уй, 68-хонадонда жойлашган, умумий майдони 74,12 кв.м., тураржой майдони 50,73 кв.м. бўлган 4 хонали уй-жой.
***Бошланғич баҳоси — 116 237 000 сўм.***
**2.** Ҳамза тумани СИБ томонидан ФИБ Миробод туманлараро судининг 2013 йил 9 сентябрдаги 1-2299/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Нигора 3-тор кўчаси, 14-уйда жойлашган, умумий ер майдони 600 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 283,79 кв.м., умумий тураржой майдони 187,34 кв.м. бўлган уй-жой.
***Бошланғич баҳоси — 450 000 000 сўм.***

2014 йил 18 февраль куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига:

**I.** Ҳамза тумани СИБ томонидан ЖИБ Ҳамза тумани судининг 2011 йил 26 декабрдаги 1-805/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар арзонлаштирилган нархларда такроран савдога қўйилмоқда:

**1.** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Авлиё Ота кўчаси, 9-уйда жойлашган, умумий майдони 536 кв.м., икки қаватли ва ертўладан иборат бўлган тўй либослари салони биноси (свадебный салон).
***Бошланғич баҳоси — 1 673 820 000 сўм.***
**2.** Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Шоҳимардон кўчаси, 84-уйда жойлашган, умумий майдони 1080 кв.м., бир қаватли, 4 та бино ва битта иншоот ҳамда битта ёрдамчи иншоотдан иборат бўлган кўчмас мулк биноси.
***Бошланғич баҳоси — 1 542 654 900 сўм.***

**II.** Миробод тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2013 йил 17 сентябрдаги ЖСҲ-1-267/2013-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ц-1 даҳаси, 39-уй, 30-хонадонда жойлашган, умумий майдони 30,03 кв.м., фойдаланиш майдони 17,16 кв.м. бўлган уй-жой.
***Бошланғич баҳоси — 59 719 198 сўм.***

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй.
Телефон: (8-371) 250-19-24.
Лицензия: № RR-0017.
182R/105

«Тошкент труба заводи» ҚК
ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотади.
(нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган).

Сув ва газ ўтказувчи қувурлар — ГОСТ 10705-80,
Ø 15 — 114 мм., баҳоси 1 тонна учун 3 250 000 сўмдан бошлаб.

Газ ва нефть ўтказувчи қувурлар —
ГОСТ 20295-85, Ø 159 — 337 мм., баҳоси 1 тонна учун 3 500 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимидаги пўлат қувурлар —
ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20х20, 25х25, 30х30, 40х40, 50х50, 60х60, 80х80, 100х100, 150х150, 170х170.

Тўғри бурчак кесимидаги пўлат қувурлар —
ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30х20, 40х25, 50х25, 30х60, 40х60, 40х80, 50х100, 60х80, 60х100, 80х120, 80х150, 60х125. Девор қалинлиги 1,0 — 4,0 мм., баҳоси 1 тонна учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

Бундан ташқари, қўшма корхона «API-5L» стандарти бўйича ишлаб чиқарилаётган Ø 325 мм.дан Ø 1620 мм.гача, деворининг қалинлиги 6,0 — 24,0 мм.гача бўлган, электрпайвандланган, спирал чокли қувурларни харидорларга таклиф этади.
Баҳоси — 1 тонна учун 3 950 000 сўм.
60R/956

МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.
Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.

# Мамлакатимиз «Vakantiebeurs — 2014» халқаро сайёҳлик анжуманида



*Яқинда Голландиянинг Утрехт шаҳрида “Vakantiebeurs — 2014” халқаро сайёҳлик ярмаркаси бўлиб ўтди. Европанинг энг йирик ва нуфузли тадбирларидан бири ҳисобланадиган ушбу халқаро анжуманда 200 дан зиёд маҳаллий ташкилотлар, шунингдек дунёнинг 80 дан ортиқ мамлакатида фаолият кўрсатадиган бир қатор сайёҳлик фирмалари ҳамда авиакомпаниялар вакиллари қатнашди.*

БИЗ ВА ЖАҲОН

Утрехтда мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳияти Нидерландиянинг “VNC Asia Travel”, “Djoser”, “Baobab Reizen”, “Eurocult Lito Reisen”, “Koningaap”, “Tiara Tours”, “Sunita Travel” ва “BCD Travel” сингари йирик компаниялари томонидан намойиш этилди. Маълумки, голландиялик сайёҳлар Буюк Ипак йўлида жойлашган Ўзбекистоннинг бетакрор тарихий шаҳарларига катта қизиқиш билан қарашади.

Юқорида санаб ўтилган компаниялар вакиллари “Жаҳон” ахборот агентлиги мухбири билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида Ўзбекистоннинг бой меъморий ва маданий мероси, халқимизнинг миллий урф-одат ҳамда анъаналари сайёҳларда унутилмас таассуротлар қолдираётганини маълум қилдилар.

**“VNC-Asia Travel” сайёҳлик компанияси директори Киис Ван Гален** Бенилюкс мамлакатлари вакиллари, хусусан, Нидерландия аҳолиси томонидан Ўзбекистонга бўлган қизиқиш йил сайин ортиб бораётганини қайд этди.

— Ярмарканинг биринчи куниёқ жорий йилда юртингиз бўйлаб саёҳатга чиқиш юзасидан жуда кўп мурожаатлар бўлди, — деди у. — Бу йил германиялик шериклар билан ҳамкорликда ташкил қилинадиган янги саёҳат турини мижозларимизга таклиф этмоқдамиз. Саёҳат барча қулайликларга эга бўлган темир йўл транспорти воситасида амалга оширилади.

**“Tiara Tours” компаниясининг тижорат ишлари бўйича директори Керенс де Ваан** ҳозирги глобаллашув замонида, қолаверса, сайёҳлик соҳасидаги рақобат тобора кучайиб бораётган бир шароитда Ўзбекистон ўзининг бой салоҳиятини муваффақият билан намойиш этиб келаётгани эътиборга сазовор эканлигини айтди.

— Ўзбекистон бугунги кунда минтақанинг энг илғор сайёҳлик маркази ҳисобланади, — деди у. — “Tiara Tours” томонидан эксклюзив сайёҳлик тури ишлаб чиқилди. У ЮНЕСКО Умумжаҳон маданий мероси рўйхатидан жой олган ноёб меъморий ёдгорликлар билан танишиш ҳамда экотуризмнинг қулай ва жозибадор йўналишларини ўз ичига олади. Ишончим комилки, “Vakantiebeurs — 2014” халқаро сайёҳлик анжуманида Ўзбекистоннинг муносиб иштироки Бенилюкс мамлакатларидан юртингизга борадиган сайёҳлар сонининг янада ошишига хизмат қилади.

**“Djoser” сайёҳлик компанияси менежери Харно Диккен** ҳам Ўзбекистоннинг диққатга сазовор жойлари европалик саёҳат ишқибозлари ўртасида тобора оммалашиб бораётганини эътироф этди.

— Кейинги йиллар мобайнида Ўзбекистонда сайёҳлик жабҳасида эришилган муваффақиятлар, яъни хизмат кўрсатиш даражасининг ошгани, инфратузилманинг такомиллаштирилгани, малакали соҳа мутахассисларининг фаолият кўрсатаётгани компаниямиз туроператорларини мамнун қилмоқда.

**«Жаҳон» АА.**





# Эзгулик ва ободлик шукуҳи

*Мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида туб ўзгаришлар ва янгиланишлар юз бермоқда. Хусусан, ўтган даврда бизнинг туманимизда ҳам шундай кенг кўламли ишлар амалга оширилдики, бу йигирма уч йил аввал, ҳатто, хаёлимизга ҳам келмаган эди.*

ФАХР

Биргина намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилишини олиб кўрайлик. Қишлоқлар қиёфасини миллий ва замонавий меъморчилик анъаналарига мос тарзда ўзгартириш, аҳоли турмуш даражасини янада юксалтириш мақсадида рўёбга чиқарилаётган ана шу бунёдкорлик ишларидан бугун каттаю кичик мамнун. Негаки, янгидан бунёд этилган массивларда, шаҳарсозлик талабларига мувофиқ, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш марказлари, мактаблар, болалар боғчалари, шифохона, ҚВП ҳамда бошқа ижтимоий соҳа объектлари қад ростлаётир.

Мирмирон маҳалласи шундай массивлардан бири бўлиб, илгари унинг ҳудуди овлоқ жой эди. Президентимизнинг “Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қурилишининг 2013 йил дастури тўғрисида”ги қарорига биноан, бу ерда бир йил ичида 290 та тураржой қурилиб, ҳавас қилса арзигудек гўшага айлантирилди. Гап шундаки, салкам 250 та оила истиқомат қилаётган ушбу шаҳарчада маҳалла гузари, мактаб, савдо дўконлари, бозор ва бошқа ижтимоий инфратузилма объектлари барпо этилган бўлса, ҳомийларнинг маблағлари ҳисобидан эса аҳолига маиший хизмат кўрсатиш маркази фаолияти йўлга қўйилган. Марказда 6 турдаги хизмат кўрсатилади. Жумладан, тикувчилик, элита пардалар тикиш цехлари, гўзаллик салони, ахборот-ресурс маркази, телефон ва электр анжомларини тузатиш устахонаси, афиша ҳамда баннерлар тайёрлаш шохобчаси мавжуд бўлиб, уларда маҳаллада яшовчи 20 нафарга яқин йигит-қизлар меҳнат қилмоқда. Шу билан бирга, марказимизда “Устоз — шогирд” анъанаси асосида ёшларнинг касб-ҳунар ўрганишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мақсад эса битта: улар, худди ака-опаларидек, келажакда тадбиркорликни давом эттириб, Ватанимиз тараққиёти, халқимиз турмуш даражаси ошишига муносиб ҳисса қўшиш бахтига мушарраф бўлсин.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик, ободонлаштириш, яратувчанлик ишлари юртдошларимизнинг эзгу ниятлари ижобат бўлаётганидан ёрқин далолатдир. Бу эса барчамизни сидқидилдан меҳнат қилишга даъват этмоқда.

**Қодир ЛУТФИЕВ,**
**Қарши туманидаги «Мирмирон» маиший хизмат кўрсатиш маркази бошлиғи.**

ҚАРОР ВА ИЖРО

*Гулистон шаҳридаги 9-умумтаълим мактабининг чет тили ўқув хонасида турли илғор электрон технологиялар ва жиҳозлар билан бирга, катта кўзгу ҳам бор. Таълим муассасаси педагогларининг таъкидлашича, бу биринчи синфга қадам қўйган ўқувчиларнинг хорижий тилларни пухта ўзлаштиришида муҳим восита ҳисобланади. Яъни ўғил-қизлар кўзгу орқали нутқ аъзоларидан қандай фойдаланиш лозимлигини, сўзларни тўғри талаффуз қилиш ҳамда қадди-қоматини расо тутишни ўрганадилар.*



# ИЛҒОР ПЕДАГОГИК УСЛУБЛАР

## чет тилларни ўрганишда қўл келмоқда

— Мактабимизда 89 нафар биринчи синф ўқувчиси бор, — дейди инглиз тили ўқитувчиси Дилдора Худойқулова. — Уларнинг деярли ҳаммаси дарсларда фаол иштирок этишаяпти. Бунда, албатта, машғулотларнинг шу ёшдаги болалар руҳияти ва қизиқишларига мос дастурлар асосида ташкил қилинаётгани асосий омил бўлаётир. Яъни улар интерфаол усулдаги, масалан, қўшиқлар, расмлар, турли ўйинлар, қувноқ мультфильмлар воситасида ўтилаётган дарсларни катта қизиқиш билан тез ўзлаштириб олишаётир.

Дарвоқе, фарзандларининг бундай дарслардаги иштирокига ота-оналар ҳам алоҳида эътибор қаратишаётир.

— Қизим Дурдона инглиз тилида бинойидек гапирадиган бўлиб қолган, — дейди Турсуной Мамаснова. — Ўқишидан тез-тез хабар олиб тураман. Ҳар доим мактабга борганимда у ва синфдошларининг чет тили ҳамда бошқа фанлардан замонавий шароитларда таълим олаётганини кўриб, ҳайратланаман. Яна қизимнинг “Болажон” телеканалида бериладиган инглиз тили дарс-кўрсатувларини ҳам мунтазам томоша қилишини айтмайсизми?! Буларнинг бари Президентимиз, давлатимизнинг ёш авлод камолоти йўлидаги доимий эътибори ва ғамхўрлиги самарасидир.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилган туб ўзгаришлар дунёда “Ўзбек модели” дея юксак эътироф этилаётган ижтимоий-иқтисодий islоҳотларнинг ажралмас қисми, таъбир жоиз бўлса, тараққиётимизнинг мустаҳкам пойдеворидир. Айни пайтда бу борада олиб борилаётган изчил янгиланишлар ёш авлоднинг етук мутахассис кадрлар бўлиб етишишларига хизмат қилади. Хусусан, 2013/2014 ўқув йилидан эътиборан Президентимизнинг “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида умумтаълим мактабларининг 1-синфларида чет тили дарслари жорий этилиши соҳадаги муҳим янгилик бўлди. Қувонарлиси, мазкур муҳим ҳужжат ўқув йилининг ўтган қисқа давридаёқ ўз самарасини кўрсатиб, чет тили жажжи ўқувчиларнинг севимли дарсига айланиб улгурди.

Чунончи, ҳозир Сирдарё вилоятидаги мавжуд 301 умумтаълим мактабининг барчасида қарор ижроси тўлиқ таъминланиб, 1-синф ўқувчиларини чет тили бўйича ўқитишга 598 нафар педагог жалб этилган. Муаллимларнинг аксарияти ўқув йили бошланиши арафасида ўз малакаларини ошириб олдилар. Шунингдек, ўтган йилнинг баҳор ойларида вилоятдаги 8 та мактабда чет тили бўйича тажриба-синов машғулотлари олиб борилди.

Ҳозир вилоятда биринчи синфларда чет тили дарсини ташкил қилиш бўйича илғор таълим муассасалари талайгина. Масалан, Сирдарё туманидаги 1-умумтаълим мактабида 4 нафар хорижий тил ўқитувчиси фаолият кўрсатаяпти. Шунингдек, Боёвут туманидаги 8, Ховос туманидаги 1-умумтаълим мактаблари ҳам бу борада пешқадам. Эътиборлиси, ушбу таълим муассасалари тажрибаларини оммалаштириш мақсадида уларда ўтилаётган дарсларнинг онлайн тизими орқали, тўғридан-тўғри вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти тингловчилари эътиборига узатиб турилиши жуда қўл келаётир. Пировардида чет тилларни ўрганиш тизими тобора такомиллаштирилиб, ёш авлоднинг билим ва салоҳиятини янада юксалтиришга эришилаётир. Зеро, Президентимизнинг қароридан кўзланган мақсад ҳам — шу!

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТДА:** Гулистон шаҳридаги 9-умумтаълим мактабининг биринчи синфида чет тили машғулотлари жараёнидан лавҳа.

Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.


Эълон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

қуйидаги кафедралар бўйича янги лавозимларга танлов эълон қилади:

**Профессор:**
Анъанавий ижрочилик (1), Махсус фортепьяно (1).

**Доцент:**
Академик хонандалик ва опера тайёрлови (1), Анъанавий ижрочилик (1), Тилларни ўргатиш (1), Оркестр чолғулари (1), Мусиқа тарихи ва танқид (1), МОР ва информатика (1), Махсус фортепьяно (1).

**Катта ўқитувчи:**
Академик хонандалик ва опера тайёрлови (1), Халқ чолғуларида ижрочилик (1), Умумий фортепьяно (1), Мусиқа тарихи ва танқид (1), Мусиқий педагогика (1), МОР ва информатика (1), Оркестр чолғулари (1), Мусиқа назарияси (1), Хор дирижёрлиги (1).

**Ўқитувчи:**
Махсус фортепьяно (1), Тилларни ўргатиш (1), МОР ва информатика (1), Оркестр чолғулари (1), Хор дирижёрлиги (1).

**Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 1-уй, ходимлар бўлими.**
**Телефонлар: (8-371) 244-94-51, 244-95-09.**

22А/1149

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

*очиқ аукцион савдоларига таклиф қилади.*

«Capital realtor group» МЧЖ Фарғона филиалида 2014 йил 5 март куни соат 14.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда:

**1.** Қўқон шаҳар СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2013 йил 11 февралдаги 15-12-03/42028-сонли ва бошқа ижро варақаларига асосан хатланган, Фурқат тумани, «Қўқон» ҚФЙ, Ингичка қишлоғида жойлашган, 0001-0009-литерлардаги, умумий қурилиш ости майдони 422,79 кв.м., фойдаланиш майдони 332,51 кв.м. бўлган молхона, бостирма, бино-иншоотлар.

***Бошланғич баҳоси — 13 097 339 сўм.***

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда, яъни 2014 йил 3 март куни соат 17.00 да тўхтатилади.

2014 йил 19 февраль куни соат 14.00 да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига Қува тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2010 йил 30 июндаги 15-10-02/14200-сонли ва 2010 йил 26 июлдаги 10-07/12156-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, «Қувадонмаҳсулотлари» ОАЖга тегишли, Қува тумани, Қува шаҳри, «М. Ҳасанов» МФЙда жойлашган қуйидаги кўчмас мулклар арзонлаштирилган нархларда такроран савдога қўйилмоқда:

**1.** Умумий майдони 51,04 кв.м. бўлган, «48-кв» номли кўп қаватли тураржой биносининг бир қисмидаги хонадон (ҳозирги кунда тикувчилик хонаси).

***Бошланғич баҳоси — 6 020 345 сўм.***

**2.** Умумий майдони 11,76 кв.м. бўлган, «48-кв» номли кўп қаватли тураржой биносининг бир қисмидаги хонадон (ҳозирги кунда сартарошхона).

***Бошланғич баҳоси — 4 427 604 сўм.***

**3.** Умумий майдони 103,24 кв.м. бўлган, «48-кв» номли кўп қаватли тураржой биносининг бир қисмидаги хонадон (ҳозирги кунда дорихона).

***Бошланғич баҳоси — 20 881 992 сўм.***

**4.** Умумий майдони 57,97 кв.м. бўлган, «48-кв» номли кўп қаватли тураржой биносининг бир қисмидаги хонадон (ҳозирги кунда дорихона).

***Бошланғич баҳоси — 7 068 618 сўм.***

**5.** Умумий майдони 197,46 кв.м. бўлган, «48-кв» номли кўп қаватли тураржой биносининг бир қисмидаги хонадон (ҳозирги кунда даволаш маскани).

***Бошланғич баҳоси — 23 618 851 сўм.***

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда, яъни 2014 йил 17 февраль куни соат 17.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:**
**Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 22-уй.**
**Телефонлар: (+99873) 244-19-91, (+99890) 231-38-59.**

*Лицензия: № RR-0017.*

180R/105


ИЗЛАНИШ

*Андижон шаҳрилик Абдужалил Ҳакимов ўзи ясаган ҳунармандчилик маҳсулотларига тунда нур таратиб турувчи турли безак ва нақшлар туширишни йўлга қўйди.*

# Тунда нур таратади

— Бўёқларга фосфор моддаси қўшилганда, тасвир қоронғида бир муддат ўзидан ёруғлик таратади, — дейди уста. — Унинг қоришмасидан тайёрланган ранг берувчи воситалар ёрдамида хилма-хил безакларни нафақат ёғоч, балки ойна, металл ва бошқа материалларга ҳам тушириш мумкин. Бундай усулда ишланган ҳар қандай нақш кун мобайнида қуёшдан энергия тўплаб, тунда 5-6 соат ёрқинлигини йўқотмайди. Шу тариқа бинони ёритиш учун сарфланадиган электр энергиясини тежаш мумкин. Айниқса, реклама воситаларини тайёрлашда мазкур безаклар жуда қўл келади.

**Саидаҳмад ШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 169. 145 342 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.30 Топширилди — 21.30 1 2 3 4 5